



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 20 март, № 56 (8951)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТАДБИРКОРЛИКНИ Қўллаб-қувватлаш Бундан Кейин ҳам ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР Йўналишларидан бири бўлади

Президент Шавкат Мирзиёев 19 март куни кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашув ўтказди.



Юртимизда бу соҳа иш ўрни, инвестиция, инновация, рақобат, қўшилган қиймат ва экспортни кўпайтиришга энг катта туртки бераётган йўналишга айланди. Сўнгги беш йилда кичик ва ўрта тадбиркорлар сони 2 қарра кўпайди. Уларда 10 миллион 500 минг одам — жами банд аҳолининг 74 фоизи даромад топиб, рўзгор тебратяпти. Иқтисодиёт ҳажмининг ярмидан кўпи, саноат ва экспортнинг учдан бири шу соҳа вакиллари ҳиссасига тўғри келяпти.

Ушбу рақамларнинг ўзиёқ мамлакатимиз иқтисодиёти учун кичик ва ўрта бизнес қанчалик муҳимлигини аққол кўрсатиб турибди. Давлатимиз раҳбари шу боис мазкур йўналишни қўллаб-қувватлаш бундан кейин ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлишини таъкидлади.

— Тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш — бизнинг стратегик йўлимиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Учрашувда кичик ва ўрта бизнес

йўналишидаги устувор вазифалар ҳақида фикр алмашилди.

Хусусан, 2025 йилда унинг иқтисодиётдаги улушини 55 фоизга кўтариб, 70 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратиш;

— янги бозорларга кириб боришда транспорт, сертификат ва стандартга қўмаклашиб, кичик бизнес экспортини ўтган йилги 9 миллиарддан 12 миллиард долларга олиб чиқиш;

— ичимлик суви, канализация, йўл, қурилиш, коммунал хўжалик, етказиб бериш, утилизация, миграция, маданият ва ижтимоий хизматларда кичик бизнес улушини 2-3 қарра ошириш;

— 1,5 миллион доимий иш ўрни ташкил қилиб, соҳада банд аҳоли улушини 75 фоизга етказиш;

— 100 нафардан кўп ишчиси бор корхоналари 4 мингтага олиб чиқиш;

— кичик бизнесда янги 100 та бренд маҳсулот чиқаришни йўлга қўйиш;

— кичик бизнес иштирокида 200 та

стартاپ лойиҳаларни молиялаштириш каби катта мақсадлар қўйилмоқда.

Бу борада хорижий экспертлар билан бирга дастур ишлаб чиқилди. Унга 2025 йилда барча манбалар ҳисобидан 10 миллиард доллар йўналтирилмоқда.

Президентимиз бунинг самарасида кичик ва ўрта бизнесга яратилмаган янги имкониятларни алоҳида қайд этиб ўтди.

Хусусан, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш учун 22 триллион сўмлик имтиёзли ресурс ажратилди. Шунинг 2,5 триллион сўми ёшларга, яна шунчаси аёллар тадбиркорлиги лойиҳалари учун йўналтирилади. Аёл тадбиркорларга кредит ставкаси бошқаларга нисбатан 2 фоиз арзон бўлади.

Жорий йилдан кичик бизнесга 300 миллион сўмгача кредит берила бошланди. Энди охириги бир йилда йириклашиб, кичик ёки ўрта корхонага айланган тадбиркорларга шунинг 150 миллион сўми гаровсиз берилди.

Шунингдек, оилавий тадбиркорлик бўйича ҳам 50 миллион сўмгача гаровсиз кредит бўлади.

Бизнесни молиялаштиришда муқобил манба сифатида венчур фондлар оммалашмоқда. Беш йилда улар иштирокида 145 миллион долларлик 53 та стартاپ лойиҳа амалга оширилган.

Буни кенгайтириш мақсадида давлат банклари томонидан яна 3 та венчур компания очилиб, 50 миллион доллар фонд шакллантирилди. Хориждан ҳам яна 50 миллион доллар жалб қилинади. Бу бизнесни бошлаётган тадбиркорлар учун қўшимча имконият бўлади. Энг муҳими, бундай лойиҳалар иқтисодиётга янги йўналиш, технология, инновация ва юқори қўшилган қиймат олиб қиради.

Стартاپ орқали яратилган юқори самарали инновацион маҳсулот ёки хизматлар техник регламент ва стандартларга киритилади. Бу уларга давлат буюртмаси учун йўл очади.

Бизнес учун яратилган шароитлар эвазига сўнгги уч йилда 250 минг янги корхона ташкил топди. Энди уларнинг фаолияти кенгайиши учун жой ва бино керак. Шу боис ҳокимлар ер танлашда, энг аввало, ишини йўлга қўйиб, ривожланиш истагига юрган тадбиркорлар сўраган жойларни аукционга чиқариши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Яна бир янгилик: бу йил Кўнғирот, Чимбой, Асака, Ёлдоғон, Ёлдоғон, Яқкабоғ, Хатирчи, Чортоқ, Булунгур, Сирдарё, Денов, Қува, Шовот туманлари ҳамда Янгийўл ва Марғилон шаҳарларида барча давлат идоралари битта кўп қаватли бинога қўчирилади. Улардан бўшайдиган 150 та бино аукционда тадбиркорларга таклиф қилинади.

Бундай янгиликлар қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам бор. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Тошкент ва водий вилоятларида 5 минг гектардан зиёд ер янгица тартибда ижарага берилмоқда. У ерда тадбиркорлар ўзи хоҳлаган экинни экиб, бир қисмига сақлаш, саралаш, қадоқлаш қувватлари қуриши ҳам мумкин. Бу йил яна 30 минг гектар ер шундай тизим асосида савдога чиқарилиши айтилди.

Яқинда “Узгросервис” холдинг компанияси ташкил қилинган эди. Унинг таркибига мева-сабзавотчиликка иқтисослаштирилган 16 та компания очилди. Энди бу компаниялар ҳар бир вилоятда мева-сабзавотни қайта ишлайдиган агроасаноат мажмуалари қуради. Бунга дастлабки босқичда яна 200 миллиард сўм берилди.

Салоҳиятли йўналишлардан яна бири — ишлаб чиқариш. Жойларда бунга интилувчилар кўп, лекин ҳаммаси ҳам ишни нимадан бошлаш, қаердан мутахассис ва технология олиб келишни билмайди.

Шу боис 20 та туманда кичик ва ўрта саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича лойиҳа офислари очилиши маълум қилинди. Уларга хорижий муҳандис, технолог, дизайнер, бухгалтер ва маркетинглар олиб келинади. Бунга шу йилнинг ўзига 100 миллиард сўм ажратилади.

Бундан ташқари, кичик бизнесда янги драйвер бўладиган ускуна ва дастгоҳлар, тиббий воситалар, электроника саноати, логистика каби соҳаларда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида дастурлар қабул қилиниши айтилди.

Янги тадбиркорлар “оёққа туриб олиш” учун фаолиятининг биринчи йили муҳим. Шу боис уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “биринчи имконият” таъминли жорий этилади. Яъни илк бор маъмурий ҳуқуқбузарлик қилган тадбир-

кор жавобгарликдан озод қилиниб, унга камчиликни бартараф этиш учун имконият берилди.

Хозирда фаолиятни тугатиш учун барча тоифадаги тадбиркорларга бир хил талаб белгиланган. Энди бу жараён ҳам соддалашади. Охириги уч йиллик айланмаси 10 миллиард сўмдан ошмаган, солиқдан қарзи бўлмаган корхона иштироки тугатишда текширув ўтказилмади.

Маълумки, юртимизда 2028 йил 1 январга қадар қўшимча қиймат солиғи ва фойда солиғи ставкаси оширилмаслиги белгиланган. Энди кичик ва ўрта бизнесга қўшимча талаб ва мажбурият юклайдиган меъёрий ҳужжатлар қабул қилишга ҳам уч йиллик мораторий эълон қилинди.

Фермерлар учун ҳам муҳим янгилик: солиқдан қарзини вақтида тўлай олмагани учун шу пайтгача йиғилиб қолган 1 триллион сўмлик пеняни ундиритишдан воз кечилди.

Дунёда кенг ривожланаётган сунъий интеллект, рақамли ва “яшил” технологиялар, креатив хизматлар соҳасидаги лойиҳаларга ҳам қўлай шароитлар яратиб берилиши таъкидланди.

Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш стратегиясини халқаро молия ташкилотлари ҳам қўллаб-қувватламоқда. Президентимиз учрашувда Осиё тараққиёт банки, Европа тиклаш ва тараққиёт банки, Франция тараққиёт агентлигининг ваколатхоналари раҳбарлари билан ҳам мулоқот қилди. Халқаро молия ташкилотларига амалий ҳамкорлиги ва кўрсатаётган ёрдами учун миннатдорлик билдирди.

Учрашувда тадбиркорлар сўзга чиқиб, фаолиятини кенгайтириш, янги бозорларга кириб бориш, стандартларни ўрганиш, бренд яратиш, стартлапнинг юзага чиқариш бўйича таклифларини айтди. Давлатимиз раҳбари бунинг учун Кичик бизнес уюшмаси ташкил қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Тадбиркорлар ҳаммиса қонун ва давлат ҳимоясида экани таъкидланди.

— Президент доимо сизларга энг яқин кўмакчи, таянч ва суянк бўлади. Сизлар янгилик қилишдан қарчаманглар, мен қўллаб-қувватлашдан қарчамайман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Учрашувда муҳокама қилинган масалалар ва таклифлардан келиб чиқиб, Президент Фармони қабул қилинадиган бўлди. Ушбу Фармондаги енгилликлар қўшимча ҳужжатларни кутмасдан тўғридан-тўғри амалиётга киритилади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

КўП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ Кўриб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди. Икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари яқинлашиб келаётган баҳор айёми — Наврўз муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, мустақам соғлиқ, фаровонлик ва муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон ва Туркманистон халқларига тинчлик-осойишталик ва равақ тиладилар.

Дўстлик, ишонч, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик таъминлиларига асосланган кўп қиррали Ўзбекистон — Туркманистон муносабатлари жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

2024 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард

доллардан ошди. Саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланмоқда ва кооперация чуқурлашмоқда. Биргаликда “Шовот — Тошовуз” чегараолди савдо зонаси ташкил этилмоқда, худудлараро фаол алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинув дастури доирасида тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ва Туркманистон етакчилари минтақавий шериклик, муҳим форум ҳамда анжуманларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказиш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Самарқанд шаҳрида “Марказий Осиё плюс” форматига ўтказиладиган саммитлар ҳамда Тошкент шаҳрида минтақа давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви кун тартиби юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил декабрь ойда Ашхобод шаҳрида Туркманистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан эълон қилинган Халқаро тинчлик ва ишонч йили доирасида ўтказиладиган форум ва бошқа халқаро тадбирлар муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАСЛАҲАТЧИ СУМА ЧАКРАБАРТИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчи Сума Чакрабартини қабул қилди.

Маслаҳатчининг жорий йилги фаолиятининг асосий йўналишлари кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз инвестициявий салоҳиятини халқаро майдонда янада илгари суриш, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини аяқлаш бўйича амалий чоралар қўриш, хориждаги етакчи таълим муассасаларида давлат хизматчиларининг малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак Ўзбекистон инвестиция салоҳияти “роуд-шоуси” ва Тошкент халқаро инвестиция форумини етакчи хорижий ком-

паниялар ва молиявий институтиларни жалб қилган ҳолда юқори савияда ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашувда Рақамли технологиялар халқаро маркази ҳузурида Тошкент халқаро тижорат судини ишга туширишнинг амалий жиҳатлари, мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини мустақамлаш, иқтисодий ривожланиш соҳасида фундаментал тадқиқотлар олиб бориш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирларга тўхталиб ўтилди.

Ў.А.

ҳамкорлиқни янада кенгайтириш масалалари хусусида ҳам фикр алмашилди. Томонлар Ўзбекистон ва ЮНИСЕФ ўртасидаги ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқиш, мавжуд лойиҳаларни янада самарали амалга ошириш ҳамда бошқаларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган янги ташаббусларни илгари суриш масаласида биргаликда иш олиб боришга келишиб олдилар.

Мулоқот якунида бошқалар ва ёшлар учун барқарор ривожланиш имкониятларини яратиш йўлида ўзаро ҳамкорлиқни янада мустақамлаш муҳим эканлиги қайд этилди.

«Халқ сўзи».

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар



САҲРО ЖАВОҲИРИ

1

— Бу ёққа қаранг! — хитоб қилди учоғимиз Ҳайдарқўлдан ўтганда ойкулчадай ойнадан осмонни томоша қилиб келаётган ҳамроҳим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, танikli фотомуҳбир Абдуғани Жума. — Ким айтди бу ерларни Қизилқум деб, чўл деб?!

Ўрнимдан ярим кўтарилиб, ташқарига мўралайман. Қарайману, юрагим ҳаприкиб кетади. Пастда эрталарда “Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуяди” дейилиши чўл — Қизилқум эмас, афсонавий эрам боғлари ястаниб, товганиб ётгандай. Саратон қуёшида туя ўрқалари мисоли саф-саф барханлар аро кезинган сап-сарик сароб ёлқинлари бүгун худди мовий денгиз тўлқинларига айланиб, баҳор ҳаволарида бешик-бешик тўлғанаётгандай...

— Қаерда бор бундай гўзаллик! — самолётни бошига кўтаргудек хайқиради Абдуғани Жума. — Навоий дейдилар буни!

— Хар қадами тилло — олтин, қумуш, мрамор, фосфорит, уран,

кварц, феруза, оҳақтош... — дея мактаминда тўхтамайди у: — юртимиздаги энг бой ва бепоян чўл қаерда? — Навоийда; — энг йирик олтин ва қумуш конлари-чи? — Навоийда; — энг катта иссиқлик электр станцияси, — энг улкан цемент заводи, — дунёдаги энг бебаҳо сур тери, — Ўзбекистондаги машҳур кимё корхоналари ва мрамор конлари ҳам Навоийда.

Бекорга саҳро жавоҳири, демайдилар.

Сармишсой, Сангижумон, “Тош ўрмон” мўъжизаларининг эса Ер юзидан қиёси йўқ. Қучоғининг катталиги, бағрининг кенглигини айтмайсизми?

Ўзбекистонда Қорақалпоғистондан бўлак худуди унга тенг келадиган вилоят йўқ! Бир ёғи Қорақалпоғистону Ҳайдарқўл, Қозоғистону Бухоро, яна бир томони Самарқанду Жиззах. Яна денг, дунёдаги Малави, Лесото, Словения, Сент-Люсия, Янги Каледония деган давлатлардан бир неча баробар катта.



Мулоқот

Ўзбекистон ва Хитой: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Юй Цзюнь билан учрашув ўтказди. Унда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик стратегик даражага кўтарилгани алоҳида таъкидланди.

Сухбат давомида ҳудудлараро алоқалар изчил кенгайиб бораётгани қайд этилди ва икки давлат маҳаллий вакиллик органлари ўртасидаги мулоқотни янада ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Иқтисодиёт, инвестиция, таълим, маданият ва туризм йўналишларида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга

ҳамда парламентлараро мулоқотни фаоллаштиришга келишиб олинди.

Шунингдек, 2025 йил 5 — 9 апрель кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Парламентлараро Иттифокнинг 150-йилей ассамблеясида Хитой парламенти делегациясининг иштирок этиши юзасидан фикр алмашилди. Хитой томонининг ушбу нуфузли тadbирга катта қизиқиш билдираётгани

икки давлат ўртасидаги дўстона алоқаларнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлиши таъкидланди.

Ўз навбатида, учрашувда Ўзбекистон — Хитой стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлиб хизмат қилувчи истиқболдаги режа ва қўшма лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Қатар Давлатининг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Ҳасан Ҳамза Асад Мухаммад Хошим билан учрашувда Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Хусусан, сиёсий, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда ҳамкорлик лойиҳаларини кенгайтириш ҳамда парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, Қатар Давлати Маслаҳат Кенгаши билан парламентлараро дўстлик гуруҳини фаоллаштириш, ҳудудий кенгашлар билан мулоқотларни йўлга қўйиш юзасидан фикр алмашилди.

Шу йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Парламентлараро Иттифокнинг 150-йилей ассамблеяси

доирасида Қатар Маслаҳат Кенгаши вакиллари билан самарали мулоқотларни ташкил этишга келишиб олинди.

Учрашувда икки давлат муносабатларида парламентлараро ҳамкорликнинг аҳамиятига алоҳида тўхталиниб, унинг тегишли кўмиталари ўртасида савдо, иқтисодиёт, инвестиция, инновация, банк-молия, туризм, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда мулоқотни давом эттириш ҳар икки мамлакат учун манфаатли эканига ҳам урғу берилди.

«Халқ сўзи».

ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидан кейинги мулоҳазалар

Парламентлараро Иттифоқ маълумотларига кўра жаҳон парламентида аёлларнинг улуши 26,9 фоизни ташкил қилиб, бу кўрсаткич мамлакатимизда 32 фоиздан 38 фоизга ўсган. Хусусан, 2024 йилда ўтган сайлов натижалари шуни кўрсатдики, хотин-қизлар улуши Сенатда қарийб 27 фоиз, Қонунчилик палатасида 38, маҳаллий Кенгашларда эса 32,5 фоизга етди.

Акс садо

Бу — янги Ўзбекистонда гендер тенглиги ва унга эришиш иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омилли ҳисобланиб, аёлларнинг ўз интилиши ва қобилиятларини тўлақонли рўёбга чиқариш учун янада қулай шарт-шароитларни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини аңглатади. Эътиборлики, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашда хотин-қизларнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини яхшилашга қаратилган 2 та қонун, Президентнинг 1 та Фармони ва 2 та қарори, ҳукуматнинг 9 та қарори қабул қилиниб, мустаҳкам қонунчилик асоси яратилган.

Таъкидлаш жоизки, гендер тенглик масаласи асосий фаолият йўналишидан бири бўлган Олий Мажлис Сенати томонидан ҳам бу борада изчил чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқоралик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилган давлат ижтимоий буюртмаси ва грант танловларида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, эрта никоҳ ҳамда ажримларни камайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва унга ҳуқуқий психологик қўмак кўрсатиш бўйича 12 та лойиҳа учун 1,9 млрд.

лашнинг самарали ижтимоий механизмларини такомиллаштириш орқали уларнинг даромадини ошириш, касбий тайёргарлигини яхшилаш, яъни меҳнат бозорига рақобатбардошли кадрларга айлантиришда ҳам гендер тенглигига эришиш зарур.

Ўзбекистонда Аёллар меҳнатини ташкил этиш стратегияси хотин-қизларга нисбатан давлат сиёсатининг умумий устувор йўналишларини белгилаб беради ва Конституция, Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятлари ҳамда Аёллар ҳолатини яхшилаш бўйича IV жаҳон конференциясининг “Тенглик, тараққиёт ва тинчлик манфаатларидаги ҳаракатлар” тавсияларига мувофиқ хотин-қизлар ҳамда эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва эркинликлар тамойилини амалга ошириш, шунингдек, тенг имкониятлар яратишга қаратилади.

Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева томонидан парламент юқори палатаси фаолиятининг асосий йўналишларини белгилашда мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, уларнинг таълим ва касбий қўникмалар олиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига шарт-шароитлар яратиш, муносиб иш топишига ҳар томонлама қўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилаётгани.

Жумладан, 18 март кун Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2025 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури” қабул қилинди. Мазкур дастурда қонунчилик асослари ва институционал тизимни такомиллаштириш,

сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда, давлат хизматлари соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш белгиланган. Шунингдек, таълим, илм-фан, спорт ва соғлиқни сақлаш, оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш, гендер тенгликни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва бюджетлаштириш, гендер статистикаси юритилишини такомиллаштириш ҳам алоҳида кўрсатилди, ҳар бир банд бўйича ижро механизмлари аниқ белгиланб берилган.

Мазкур дастурнинг муваффақиятли амалга оширилиши Жаҳон иқтисодий форумининг “Глобал гендер тафавути” индексидаги Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилашга тўқсонлик қилаётган омилларни таҳлил этиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирларни белгилашда ўзига ҳақ дастуриламал бўлади.

Умуман олганда, мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш жамиятда эркаклар билан аёллар ўртасидаги тенглик гендер муносабатлари маданиятига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар ижтимоий йўналтирилган рақамли бозор иқтисодиёти талабларини янада такомиллаштиришда, ҳисса қўшади, деб ҳисоблаймиз.

Жамила БОБАНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси аъзоси.

МАҚСАДЛАР АНИҚ, ВАЗИФАЛАР ҚЎЛАМЛИ

Одамларимиз азалдан бунёдкор гоғлар билан яшайди. Шунинг учун ҳам “Ўз ишини йўлга қўйиш”, “тадбиркорлик”, деган тушунчалар турмушимизга фаол кириб келмоқда.

Фикр

Мулоҳаза юритиб кўрадиган бўлсак, ҳар бир инсон умри давомида меҳнат қилади, тиним билмайди, оилам, бола-чақам дейди, яхши яшаш учун елиб-юғуради. Шу билан бирга, киши ўз ишини йўлга қўйиш, айнан ўзиникига эга бўлиш, эркинликни ҳис этиш, мулкдор, соҳиб бўлишга ҳам ҳақли. Бу нафақат ишбилармоннинг ўзи учун, балки жамият учун ҳам керак. Чўнки тадбиркорлар — иқтисодиёт локомотири, “ўсиш нуқтаси” драйверидир.

Тадбиркорнинг неча миллион долларлик айланма маблағи борлиги, яна биров корхона ташкил қилгани, кимдир эса янги дастохлар олиб кириб, ишини кенгайтираётгани, барқарор даромад манбалари яратилаётгани, қайсидир ишбилармон атрофига ёшларни йиғиб, хунар ўргатаётгани... Бу манзара, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда қулай тадбиркорлик шароитлари шаклланаётганининг белгиси. Рўзғорлар обод бўлаётганидан, минглаб оилаларнинг турмуши изга тушаётганидан, кўпроқ иш ўринлари очилиши кафолати мус-

тажмапланаётганидан далолат бу. Яна бир жиҳати бор, бу одамларимизнинг даромади ошаётгани, минглаб, миллионлаб халқимиз болаларининг яхши ўқиши, яхши яшаш учун шароит яратилаётгани ҳам аңглатади.

Кеча давлатимиз раҳбарининг кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашувда айтилган фикрларни тинглаб, тўғриси, шулар ҳақида ўйладим. Президентимизнинг бизнес вакиллари билан учрашув шунчаки мулоқот бўлмади, балки соҳадар муаммолар ўртага ташланиб, аниқ ечимлар берилди. Бу барқарор иқтисодий ўсиш ва ривожланишга интилаётган мамлакатимизда тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳимояси бора-сида салмоқли қадамлар қўйилаётганини билдиради.

Тадбиркорлик ўз-ўзидан ривожланибди. Бунинг учун меҳнат қилиш, руҳлантириш, қўллаш, рағбатлантириш зарур. Президентимиз яхши ниятлар билан соҳа учун янги ташаббусларни илгариси сургани иш ўринлари яратиш, тадбиркорларга ёрдам бериш, ишбилармонларни ўйлантираётган масалаларга ечим топишда

катта аҳамиятга эга, десак, аниқ ҳақиқат.

Янги тадбиркорлар “оёққа туриб олиш” учун, айниқса, улар фаолият бошлаган биринчи йилда қўллаб-қувватлаш жуда муҳимлиги таъкидланди. “Бундан бўён, тадбиркорликка энди қадам қўйганлар учун “биринчи имконият” тамойили жорий этилади. Яъни илк бор маъмурий ҳуқуқбузарлик қилган тадбиркорлар жавобгарликдан озод қилиниб, камчиликни бартараф этиш учун имконият берилади. Бир сўз билан айтганда, янги иш бошлаган тадбиркорлар биринчи хато учун “жавобгарликдан суғурталанган” бўлади”, — деди Президент.

Демак, тадбиркорликка жуда кенг қўламда эътибор қаратилади, ишбилармонлик ташаббуслари тўлиқ қўллаб-қувватланади. Умуман олганда, тадбиркорлик ривожланиши янада юксак босқичга кўтарилмоқда. Ташаббускор, ишбилармон ва фидойи тадбиркорларимизнинг меҳнати юксак қадрланади. Янги гоғлар ташаббускори бўлган кичик тадбиркорларимиз, иқтисодиётимиз локомоти-виға айланган ўрта бизнес вакилларининг тўсиқларсиз иш бошлаши, фаолиятини давом эттириши учун кенг йўл очилади.

Президентимиз тадбиркорларда янгилик қилиш, таннанхри пасаитириш, сифатни яхшилаш орқали янги бозорларга чиқишга иштиёқ

тобора кучайиб бораётганини таъкидлади. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам бунинг учун қаерга бориб, кимга учрашиш, қаердан мутахассис, янги технология олиб келиш-ни билмаслиги қайд этилди.

Шу боис 20 та туманда кичик ва ўрта саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича лойиҳа офислари очилади. Уларга хорижий муҳандис, технолог, дизайнер, бухгалтер ва маркетинг-логлар олиб келинади. Бу мақсадларга шу йилнинг ўзида 100 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Лойиҳа офислари корхоналарга таннархни тушириш, сифат ва технологияни яхшилашга, уларни йириклаштириб, саноат даражасига олиб чиқишга қўмаклашади. Бундан ташқари, кичик бизнесда янги драйвер бўладиган ускуна ва дастгоҳлар, тиббий воситалар, электроника саноати, логистика каби соҳаларда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида дастурлар қабул қилинади.

Рақамлар ҳам, режалар ҳам жуда катта — тадбиркорларимиз учун янги-янги имкониятлар яратилмоқда. Энг муҳими, улар ўз гоғ ва ташаббусларини кўркмасдан амалга ошириши мумкин. Бундай дейишимизга сабаб бор. Чўнки эндигина ўз ишини йўлга қўйган, тадбиркорлики бошлаган кўп ишбилармонлар махсуслотини бозорга олиб чиқиш бўйича

кўнимкага эга бўлмаиди. Бозорга қараб нимани, қанча, қандай технология асосида ишлаб чиқаришни, яратилган товарни кимга, қачон ва неча пулга сотишни билмай қўй-нади. Кичик ва ўрта саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича лойиҳа офисларининг ташкил этили-ши, уларга хорижий муҳандис, технолог, дизайнер, бухгалтер ва маркетинглар олиб келиниши эса ишбилармонларга ишонч, янги рағбат бериши аниқ.

Мамлакатимизда бизнес муҳити учун барчага тенг имкониятлар берилмоқда. Энди оддий одамлар орасида ҳам кичик ва ўрта бизнес вакиллари қўлабди. Соҳада ишлашга бўлган қизиқ ортади, тадбиркорлик қилиш ниятида юрган минг-минглаб одамларимиз кўркмасдан ўз ишини бошлайди. Чўнки учрашувда Президентимиз белгилаб берган ҳар бир вазифа, гоғ ва ташаббуслар Ўзбекистонда тадбиркорликка қандайдир хавотир билан эмас, балки катта мақсад ва лойиҳалар, ишонч билан қилиб борилади. Бу эса халқимизнинг турмуши, рўзғори-га иҳобий таъсир кўрсатади. Кўчли депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали жараёнда фаол иштирок этиш бурчи-миздир.

Равшан ФОЗИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ҚОНУННИ ЯНГИ ТАҲРИРДА ИШЛАБ ЧИҚИШГА ЗАРУРАТ БОР

Мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштиришга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари кўмитаси томонидан “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунни янги таҳрирда ишлаб чиқиш-га бағишлаб ўтказилган дав-ра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

Унда депутатлар, сенаторлар, Спорт, Олий таълим, фан ва инновациялар, Рақамли технологиялар, Мактабгача ва мактаб таълими, Соғлиқни сақлаш вазирилари, Миллий олимпия кўмитаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюш-маси ҳамда соҳага алоқадор бошқа давлат органлари ва-киллари, экспертлар иштирок этди.

Тadbирда спорт мактаб-ларидида тренерларни рағбат-лантириш тизимини такомил-лаштириш, олий таълим му-ассасалари талабаларини, умуман, аҳолини оммавий спортга кенг қўламда жалб этиш чораларини кўриш ма-салалари юзасидан давлат органлари ва ННТ, фаол жа-моатчилик олдида турган му-ҳим вазибалар атрофида му-ҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонун 2015 йилда қабул қилингани, уни янги таҳрирда-ги Конституциямиздан келиб чиқиб такомиллаштириш, бу-гунги давр талабларига мос-ласи ҳамда соҳага алоқадор бошқа давлат органлари ва-киллари, экспертлар иштирок этди.

тўғридан-тўғри ишлайдиган нормалар билан бойитишга кўпроқ аҳамият қаратиш керак-лигини таъкидлашди.

Ушбу масалага дахлдор ва-зирлик ва идоралар ўзаро ҳам-корликда фаолият кўрсатиши, ташаббускор бўлиши, ҳаётий ва амалий қўникмаларидан келиб чиқиб, жаҳондаги илғор тажрибани инобатга олган ҳолда, янги таҳрирда тайёрла-наётган қонун лойиҳасига так-лифлар билидириши лозимли-ги айтиб ўтилди.

Яқунда қўмита ҳамда ва-зирлик ва идоралар мутасад-дилари ўзаро манфаатли, дол-зарб йўналишлар бўйича ҳам-корликда семинар-тренинглр, давра суҳбатлари ва бошқа тadb-бирларни ташкил этиш, мун-тазам равишда ўтказиб бо-ришга келишиб олинди.

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ЖАМИЯТДАГИ РОЛИ

22 март — Маҳалла тизими ходимлари кунли муносабати билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари кўмитаси Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан ҳамкорликда “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини мустаҳкамлашда парламентнинг ўрни” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтган бир-бирда қуйи палата депутатлари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва унинг ҳудудий раҳбарларини ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди.

Давра суҳбатида дастлаб маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш, аҳоли муаммолари билан ишлашда бошқарувнинг мазкур тизими фаолиятини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида қатор амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, “маҳалла еттичилиги”га қулай шароит яратиш мақсадида маҳалланинг моддий-техника таъминоти хатловдан ўтказилиб, 252 тасига янги бино қурилди, 471 таси таъмирланди, 59 таси реконструкция қилинди, 2 755 тасининг моддий-техника базаси яхшилади. “Еттилик” фаолияти учун “Рақамли маҳалла” платформаси жорий этилиб, 40 дан ортқ давлат органлари платформалари билан интеграция қилинди.

Аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича камбағал оилаларнинг 10 924 нафар аъзоси доимий ишга, 33 948 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишга жойлаштирилди. 23 770 тасининг уй-жойи таъмирланди, 20 698 нафарига 117 млрд. сўм субсидия ва 78 566 нафарига 252 млрд. 442 млн. сўм имтиёзли кредит,

75 мингта оилага 105,8 млрд. сўм моддий ёрдам ажратилди. Амалга оширилган ишлар орқали 844 280 та оила камбағалликдан чиқарилди.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамкорлигида самарали ишлар ташкил этилиб, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси таъминланмоқда.

Давра суҳбатида қўмита томонидан “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддаси ижроси юзасидан Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибидида ўрганишлар ажунлари ҳам қўриб чиқилди.

Ушбу ўрганишларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш қонун талаблари асосида амалга оширилмаётгани аниқланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси томонидан 2024 йилнинг ноябрь ойида давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш бўйича республика миқёсида кўргазмали онлайн семинарлар уюштирилганига қарамай айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ушбу тадбирлар давом эттирилмаган. Бу каби ҳолатлар депутатларнинг эътирозларига сабаб бўлди.

Тadbирда депутатлар томонидан соҳа истиқ-болига қаратилган бир қатор таклифлар бе-рилди ва кун тартибидидаги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Яшариш ва янгилиниш, эзгулик ҳамда меҳр-оқибат айёми — Наврўз байрами арафасида эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш, уларга янада эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, кексалар, бемор болақонлар ҳолидан хабар олиш каби азалий қадриятларимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик тамойилларига уйғунлиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Парламент қуйи палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар кўми-таси ҳамда Олий Мажлис па-латалари, Вазирилр Маҳмама-си муассислигидаги Болалар-ни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Васийилик кенгаши аъзолари билан қизик-чи ортади, тадбиркорлик қилиш ниятида юрган минг-минглаб одамларимиз кўркмасдан ўз ишини бошлайди. Чўнки учрашувда Президентимиз белгилаб берган ҳар бир вазифа, гоғ ва ташаббуслар Ўзбекистонда тадбиркорликка қандайдир хавотир билан эмас, балки катта мақсад ва лойиҳалар, ишонч билан қилиб борилади. Бу эса халқимизнинг турмуши, рўзғори-га иҳобий таъсир кўрсатади. Кўчли депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали жараёнда фаол иштирок этиш бурчи-миздир.

Депутатлар ва Васийилик кенгаши аъзолари шифохона-да яратилган шарт-шароит, имкониятларни кўздан кечи-риш баробарида болақонлар томонидан яратилган иҳодий ишлар билан ҳам яқиндан та-нишиллар. Фонд томонидан 250 та турли адабиёт, ўқув қуроллари жамланган эсдалик соғвалари топширилди. Муло-қот чоғида шифохонада кўрса-тилаётган тиббий хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича қатор таклиф ва тав-сиялар берилди.

Учрашувдан сўнг Олий Мажлис палаталари ва Вази-

рур адабиётлар, техник асбоб-ускуналар, ўқув қуроллари ха-рид қилинган. Бундан ташқа-ри, 33 нафар бола касб-хунар-га ўқитилиб, уларга ўзини ўзи банд қилиши учун зарур ас-боб-ускуналар олиб берилган.

Жорий йилнинг ўтган да-врида юртимизда даволаш им-кони бўлмаган хасталиклар бўйича 22 нафар бола хориж-га даволаниш учун юборилган. Уларнинг 12 нафарида мурак-каб амалиётлар ўтказилган. Қолган беморларни опера-цияолди тайёргарлик жараён-лари давом этмоқда.

Мажлисида жамоат фонди-га жорий йил январь-февраль ой-ларида келиб тушган мурожа-атлар, касалликка чалинган болалар рўйхати, зарур дори воситалари, бошқа воситалар ва моддий ёрдамлар юзаси-дан чора-тадбирлар ҳамда уни молиялаштириш маълумоти бўйича маълумотлар берилди.

Кенгаш аъзолари тақдим этилган масалалар юзасидан муносабат билдириб, кечикти-риб бўлмайдиган молиявий ёрдамларни ўз вақтида амал-га ошириш юзасидан таклиф-лар берди. Қарор бағни бир овоздан маъқулланди.

Йиғилишда бошқа масала-лар ҳам қўриб чиқилиб, теги-шли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

САҲРО ЖАВОҲИРИ

— Биламан, — шерик бўламан фотограф дўстимнинг ифтихорига. — Қизилчанинг ўзига Тинч океанидаги Тонга деган давлатнинг икки-учтаси ўйнаб-ўйнаб сингиб кетади. Навоий мамлакатимиз вилоятлари орасида энг кенжаси бўлишига қарамай...

— Шундай. 1982 йилда асос солинган, 1988 йилда тугатилган. 1992 йили Биринчи Президентимиз ташаббуси билан яна қайта ташкил этилган, — деб сўзимни бўлади у. — Аҳолисини унча кўп эмас, 1 миллиондан сал зиёд. Лекин бу вилоят тарихи ана шу йиллардан бошланади, дегани эмас. Унинг инсоният тамаддунига катта ҳисса қўшган қадимий ва бой ўтмиши бор. Қизилқумда, Қоратовда, Нурота атрофларида қадимий манзиллар шу қадар кўпки, уларнинг баъзиларини юртошларимиз ҳам яхши билимайди. Масалан, “Учтўт” қачмоқтош шахтаси. Олимлар бундан 200 — 100 минг йиллар аввалги ибтидий даврлардаёқ одамлар бу ердан қачмоқтош қазиб олганини исботлашган. Дастлабки пайтларда очилиб қолган ерлардаги қачмоқтош гулдалари йирик тошлар билан уриб ушатилган. Кейинроқ бу юмуш ёғоч таъшлар, ундан кейин Бухоро оҳусининг шохларидан, ёввойи ҳўкиз, бугу ва бошқа жониворлар суякларидан ясалган қўқичлар, кураклар ёрдамида амалга оширилган. Хозиргача 48 та шахта ўрганилган ва ҳар бири ўртача 35 — 45 килограммдан бўлган 8000 та гулда қазиб олинган. Бу жой ибтидий даврда Марказий Осиёда қачмоқтош олинган ягона макон ҳисобланади. Бунча шахталар жаҳонда камдан-кам учрайди.

2

Хамроҳимнинг сўзлари “Очиқ осмон остидаги музей” — Сармишсойни эсга туширди. Сармишсой петроглифлари — Ўзбекистон ҳудудига энг кўп, энг бекиёс қоятош расмлари саклаб қолingan водий ҳисобланади. Бу ердаги қоятош суратларида, бундан 5 — 7 минг йил аввалги ҳаёт тасвирланган. Сармишсойда қарийб 22,5 километр масофадаги қоятошларга ўйиб солинган 10 мянгардан ортиқ расмлар билан юзма-юз келган киши беихтиёр минг-минг йиллар аввалги одамлар даврасига тушиб қолгандек сеҳрланади, ўйга толади; қўлидаги узун найзаларни ўқталганча ҳай-ҳайлаган қўйи баҳайбат ҳайвонларни қувиб бораётган овчиларнинг жанговар ҳайкириқларини эшитгандай бир галати титроқ қолпайди жону жаҳонини. Қизил ва қора рангли қумтошларга ҳамда сланецли қояларнинг тик ва ётиқ сиртига солинган тасвирлар афсонавийлиги билан мафтун қилади; гажакдор шохли архарлар, тоғ эчкилари, ёввойи буқа-ю тўнғизларни найза-камонда овлаётган овчиларга қўшилиб кетаётгандек сезасиз ўзингизни.

Тасвирларнинг яна бир ҳайратли жиҳати шундаки, уларнинг баъзилари ёмғир ёққанда қўрсина, айримлари қуёш нури тик тушганда пайдо бўлади. Шундай суратлар ҳам борки, уни кўзингиз ёруғлик қиш тушганда ёки сояда илгайди. Фақат шу эмас, Сармишсой азалдан ўзига хос жуда бой ҳайвонот дунёсига эга манзил ҳисобланган. Бу ерда ўсимликларнинг 62 оиласига мансуб 650 тури учрайди. Уларнинг анчаси Ўзбекистон “Қизил китоб”ига; қалчабобот илони, эчки-эмар, бургут, қора балик, кўлвор илон, сарик илон, жүрчи, зарғалдор, қаклик, бедана, жайралар эса Халқаро “Қизил китоб”га киритилган.

Умумий майдони 5000 гектардан мўлроқ бўлган ва “Сармиш” табият боғи деб эълон қилинган ушбу тарихий мерос петроглифлари жаҳон миқёсида маданий ёдгорлик сифатида тан олинган. Хатирчининг Сангижумон қишлоғидаги тебраниб турувчи антика тош ҳам дунёдаги камбё мўъжизалар сирасидан. Сангижумон — форсчада “тебранувчи”, “қимирловчи тош”, деганидир. Қишлоқ номи ҳам сеҳркор тош номидан келиб чиққан. Ҳайбатли тошнинг айла-насини 20, баландлигини 6 метр, вазини эса 280 тонна, дейишади. Лекин шундай катта харсангни ҳамма бемалол қимирлатиши мумкин. Тебраниш тошининг ёқилишга тираб қўйилган чўпларнинг эгилишидан билинади.

Археологларнинг таъкидлашича, Сангижумон 280 миллион йил аввал ер қаъридан кўтарилган суёқ ва қайноқ магматик жинслардан пайдо бўлган. Улар ўз вақтида ер қобиғини ёриб чиқа олмасдан, тахминан 250 миллион йил олдин маълул чуқурликда қотиб қолган. Содир бўлган кучли ва мураккаб тектоник ҳаракатлар ҳамда эрозия натижасида массивнинг тўши очилган. Бу ердаги жинслар бундан камида 10 минг йиллар илгари юзага чиққан. Денгиз сатҳидан

800 — 900 метр баландликда жойлашган мазкур харсанг дарани қоплаб ётган гранит тошларнинг йирик бир бўлаги.

Энг қизиги, ҳудудда турли номдаги тошлар жуда кўп. Тошларга кўриниши ва шаклига қараб номлар берилган. Масалан, “Кобра тош”, “Беш панжа”, “Айқинчи боши”, “Жайра тош”, “Хасса тош”, “Кўзикорин тош”. Тебранувчи тош яқинида “Тешик тош” деган яна бир тош бор. Ривоятларга қараганда, бу тошнинг тешигидан фақат гўноҳи йўқ одам ўта олади.

Тешик тош ёнидаги ясси тош устида улкан оёқ излари кўзга ташланади. Баъзи ривоятларда Нух кемаси Оқтовнинг энг юқори чўққиси — Лангар тоғида лангар ташлагани таъкидланса, бошқа ёрида тошдаги излар тўфдон суви қайтганидан сўнг ерга қадам қўйган пайғамбарнинг излари экани айтилади.

3

— Биласизми, мамлакатимиздаги қазилма бойликларнинг 20 фоизи Навоий заминида, — дея давом этди савдорҳосини. — Мурунтов дунёдаги энг йирик конлардан бири. Бу замин жавохиротлар макони. Шунинг учун ҳам Навоийни “Она юртимизнинг олтин сандиги” дейишади. Аммо... — у чуқур хўрсинди, ўйланиб қолди.

Ҳамма билади, Навоий тупроғи нодир ва қимматбаҳо маъданларга бой. Ўзбекистон заминидан ўрганилган 60 дан ортиқ олтин конларининг 40 таси Қизилқумда. Мазкур жавохирлар бугун тилло камарларини белга маҳкам қўлаб юртимизга, халқимизга хизмат қилмоқда.

Олтинимиз юқори сифати билан ҳам жаҳонга машҳур. 1998 йили Токио биржа олтинларимизини сифат эталони, дея эътироф этди. 2019 йилда Лондон олтин қуймалари бозори ассоциацияси томонидан бозор талабларига тўла риоя қилиш борасида навбатдаги тест синовларидан муваффақиятли ўтганини тасдиқловчи сертификат тақдим этилди.

2011 йили “Мурунтов” қонида дунёда ўхшаши йўқ ютук — Тик-қия конвейер мажмуаси ишга туширилди. Умумий узунлиги 3 километр бўлган мажмуанинг фойдаланишга топширилиши билан юкни етказиб беришдаги харажатлар 50 фоизга камайиб, кон чуқурлигидаги маъданларни ташинида автоагдаргичларнинг кўтарилиш баландлиги 300 метрга қисқарди.

Канадада жойлашган “KITKO” халқаро таҳлил маркази хулосасига кўра “Мурунтов” қони 2020 ва 2021 йилларда жаҳонда биринчи, 2022 йили эса иккинчи ўринни эгаллади.

Сўнгги етти йилда янги конлар очилди, 5 ва 7-гидрометаллургия заводи, 2-гидрометаллургия заводининг иккинчи навбати ҳамда Нурота туманидаги “Пистали” қони негизига 6-гидрометаллургия заводи фойдаланишга топширилди. “Ауминзо-Аманот”, “Балпантов”, “Турбай” конлари ишга туширилди. Натижада қайта ишлаш қуввати 2016 — 2024 йилларда 60 миллион тоннадан 105 миллион тоннага кўпайди. Ушш суръати 2023 йилдагига нисбатан 105,3 фоизга тенг бўлди. Олтин ишлаб чиқариш режаси 105,2 фоиз, қумуш ишлаб чиқариш эса 113,4 фоизга бажарилди.

— Бир жойда ўқидим, — деб жимликни бузди Абдуғани. — 2024 йилнинг ўзида комбинат 93,9 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарибди. Салкам 94 триллион! Ҳазил гапми бу? Энди ҳисобланг, мустақилликка ўтган йилларда қанча олтин олинган?

Минг афсуски, бу олтинларнинг, ҳатто, чанги ҳам насиб этган эмас ўзимизга. Мурунтовни машҳур геолог, нуқтадон олим Иброҳим Ҳамробоев очган. Хазинатопар бу сиймо қони очилиши очган-у аммо кейинчалик бу ишидан қанчалар пушаймон бўлгани ёлғиз ўзи ва Аллоҳга аён бўлса керак. Чунки хазинани уни эгаллаб олган шимоллик ҳўжайнлар талайди, эшелон-эшелон ташиб кетади. Ҳатто, Истиклолнинг дастлабки вақтларида ҳам унча-мунча ўзбек боласи қадам босолмасди комбинат остонасига. Мен шу ерликман, яхши биламан, яқинлаштирилмас, киритилмас, маҳаллий аҳоли учун тақа-тақ ёлғиз эди эшитгидан туйнугича.

Дўстимнинг қуёнишлари беҳуда эмас. Гарчанд, 1958 йили “Мурунтов” қони очилиб, Навоий кон-металлургия комбинати ташкил этилган, комбинат уран, олтин ва қумуш ишлаб чиқарадиган улкан корхонага айланиб, “Аср мўъжизаси” дея тан олинган эса-да, жавохирлар қатрақтрасигача ташиб кетилар эди. 1969 йили қондан илк марта 11 килограмм 820 граммлик соф олтин ёмбиси олинди. 1971 йилдан 999,9 пробали олтин чиқарила бошланди. Аммо ушюғича

ча ялаб-юлқиб олиб кетилди бу бойликлар ҳам.

— Энди у қўнларга тош отишдан фойда йўқ...

— Тўғри! — шартта сўзимни бўлади Абдуғани. — Кетгани — кетди. Аммо ҳалигача манкуртча фикрловчиларнинг борлиги ва уларнинг “ўша пайтлари қолбаса фалон сўм, гўшт писмадон сўм эди” қабилидаги ёзғиришлари алам қилади одамга. Ҳазабим қайнайди. Энг ёмони, қашшоқ ёки камбағал эмас, суриштирсангиз, биттаси омади чопмаган аламзада, бошқиси қайсидир вазифани эп-лолмай юмшоқ курсисидан айрилган собиқ амалдор бўлиб чиқади улар. Ростини айтсам, ичим ачийди уларга, инсоф берсин, элга қўшилсин, дейман. Лекин қачон қутуламиз бундай ирокит кўрликдан. Кишанланган қўл-оёқ, занжирбанд эрк, гижимланган адолат, ўз уйингдаги ҳўрлик, маънавий азоб... Ўлчаб бўларканми буларни яримқадоқ қолбаса билан?! Яратганининг буюк тухфаси, боболаримизнинг юз йиллик орзу муроди-ку, Мустақиллик! Қўл бўлиб қолаверсак, олтин дарёларимиз бўлирмиди ўзимизнинг болларга, ўзимизнинг дашту далаларга, ўзимизнинг қўчаларга? Қачон кўрардик бугунги ободликларни?!

Фотограф бекорга ғазаблангани йўқ. Тўғри, тоғ боши тумансиз, кураш беҳат бўлмайдми. Юз йил қўл бўлиб яшагандан, бир кун ҳур бўлиб яшаган улғур бахт эканини ҳис қилмайдиган, бир грамм олтиннинг баҳоси қанча эканини



била туриб, ўзини анқовга солғувчи руҳан қашшоқ шахслар ўткинчи.

“Миллатнинг улғў мартабасини, саодатини сакламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифағиздир”. Бугунги таҳлилкай замон соҳибқирон бобомиз Амол Темирнинг бу васиятини қулқоларга кўргошиндай қўйиб олишни талаб қилмоқда. Тангрига шўкр, мамлакатимизда эл элга ёндашиб аллона мушларга, ирмоқлар ирмоқларга қўшилиб, ҳўжшн дарёларга айланаётир. Янгиликсиз, ғалабасиз кун йўқ. Қалбни ифтихорга тўлдирад Навоий вилоятидаги юксалишлар ҳам.

Маржон шодалари каби товланади, қўзаларни қувонтиради бу ғалабалар. Янникса, 2017 — 2024 йилларга оид умумтоз маълумотларнинг баъзиларига бир кўр кўз ташлаган кишининг қўкси гурурга тўлади, руҳи тоғдай кўтарилади.

2024 йили вилоятда 145 069,6 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилибди. Бу 2017 йилдагидан 11 марта кўп. 21 813,1 миллиард сўмлик қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги, балиқ маҳсулотлари тайёрланди. Бу 2017 йилдагига нисбатан 3,2 марта ортиқ. Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 2017 йилдагига қиёслаганда 7,5 карра ошиб, 117 297,7 миллиард сўмга етди.

Шунингдек, асосий капиталга киритилган инвестициялар ўтган йили 2017 йилдагига нисбатан 8,6 марта, пудрат ишлари 9 карра, чакана савдо айланмаси 3,5 баробар, хизматлар ҳажми 6,5 марта, ташки савдо айланмаси 2 карра, экспорт 3,7 баробар ошди. 64 минг 700 та иш ўрни яратилди. 3 — 6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олиш 34,1 фоиздан 86 фоизга, мактабгача таълим ташкилотлари сони эса 132 тадан 1750 тага етди.

Умумий урта таълим мактаблари сони 378 та бўлди. Президент мактаби ва 11 та “Баркамол авлод” мактаби, вилоят Болалар кутубхонаси, иккита давлат ва икита хусусий университет ташкил этилди.

Спортчилар 2024 йилнинг ўзида республика миқёсида ва халқаро майдонларда 1857 та медални кўлга киритишди. Уларнинг 506 таси олтин, 467 таси қумуш, 786 таси бронза.

Навоий вилоятида туристик манзиллар нихоятда кўп бўлишига қарамай, соҳага узоқ йиллар унча эътибор берилмади. Масалан, 2017 йилга қадар вилоятда бор-йўғи 5 та оилавий меҳмон уйи, 5 йўналишда туристик маршрут ва битта туркомпания фаолият юритган. Кейинги йилларда оилавий меҳмон уйлари 122 тага, турмаршрутлар 70 тага, турфирмалар 75 тага етди. 490 та янги иш ўрни яратилди. Сайёҳлар сафи 635 минг нафардан 2,2 миллион нафарга кўпайди.

Туризм қишлоғига айлантирилган Нурота туманининг Сентоб овулида 9,4 миллиард сўм маблаг ҳисобига 5 километр йўл, 2 та сельфи зонаси ва бошқа туризм инфратўзимласи яхшиланди. 2 та меҳмонхона билан 20 та меҳмон уйи очилди, 60 киши ишли бўлди.

Эндиликда қишлоққа ҳар кўни ўртача 300 нафар, бир йилда 44 минг нафар сайёҳ келяпти. Барча хонадон туризмдан даромад олмақда.

Яна Хатирчининг Лангар маҳалласида 20 та оилавий меҳмон уйи, лойиҳа қиймати 1,5 миллиард сўмлик сельфи майдончаси, 5 та кемпинг ташкил қилиниб, 80 нафар аҳоли иш билан таъминланган бўлса, Қонимех туманидаги “Янгигазғон” МФЙда 500 ўринга эга ўтовли лагерь, отда ва тўяда сайр, ов қилиш, 2 та ресторан, савдо дўконлари, транспорт ҳамда туркомпания хизматларини ўз ичига олган туризм кластери иш бошлади.



Ҳайдарқўл бўйидаги лойиҳа қиймати 18,3 миллиард сўм бўлган дам олиш масканида замонавий меҳмонхона, 5 та кемпинг, 2 та глемпинг, бассейн, ресторан ҳамда туркомпания хизматларини ўз ичига олган туризм кластери ташкил этилди. Шунингдек, Нуротадаги “Чашма мажмуаси”, Қонимехдаги “Мих ота” масжиди, Навбаҳордаги “Сармишсой” давлат музей-қўриқхонаси обод қилинди. 1,3 миллиард сўмлик маблаг эвазига Учқудўк туманидаги “Тош ўрмон” табиий археологик объектида реставрация ва консервация ишлари амалга оширилиб, атрофлари баландлиги 1,8 метр, узунлиги 1,3 километр бўлган панжара билан ўралди, тўнги ёритиш чироклари, кузатув камералари ўрнатилди.

Умуман, охириги кичи йилда вилоятда 395 миллиард сўмлик 129 та туризм лойиҳаси ишга тушди, 340 километр масофада 60 та объектдан иборат 14 та туризм маршрутини ўз ичига олган Навоий “туризм халқаси” ишлаб чиқилди.

Нурота тоғлари қўноғидаги Сентоб қишлоғи Бутунжаҳон туризм ташкилоти — UNWTOнинг Самарқанд саммитида “Энг яхши туризм қишлоғи” деб эълон қилинди ва Бутунжаҳон туризм қишлоқлари рўйхатида киритилди. “Работи Малик”, “Сардоба”, “Мирсаид Баҳром”, “Қосим Шайх”, “Мавлоно Ориф Деҳароний” каби маданий мерос объектлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мерос ёдгорликлари рўйхатидан жой олди.

Худо хохласа, ҳадемай, Навоий шаҳрининг Ислол Қаримов кўчасида 1,5 километр масофада лойиҳа қиймати 12 миллиард сўм бўлган Туризм кўчаси ташкил этилади. Ҳа, Навоий вилояти ҳар жиҳатдан мамлакатимизнинг “Олтин сандиги”га айланиб бормоқда.

4

Шу жойда битта ҳақли савол туғилди: ҳўш, “Олтин сандик”ни қим очди? Мамлакат раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига қилган ташрифлари мазкур саволга аниқ ва мукаммал жавоб беради.

Эътибор беринг, Президент 2017 йилдан бўён ҳудудга 7 марта ташриф буюрди. Бу ташрифларнинг ҳар бири вилоят тарихида янги ва гўзал саҳифалар очди. Мана, уларнинг айримлари:

2017 йил. Шу йилги ташрифдан сўнг Навоий иссиқлик электр станциясининг иккинчи буг-ғаз қурилмаси пойдеворига тамал тоши қўйилди.

“Мармаробод” давлат унитар корхонасининг ташкил этилиши, Нурота Чашмасида кенг қўламдаги бунёдорлик ишларининг амалга оширилиши ва Навоий вилоятининг эркин иқтисодий зонага айланиши 2018-2019 йиллардаги ташрифлар натижасидир.

“National plast” масъулияти чекланган жамияти томонидан саноатнинг янги тармоғи ПВХдан профиль ва бошқа турдаги маҳсулотлар, “Green Line Profil” масъулияти чекланган жамияти томонидан алюминий профиль ва алюминий маҳсулотлар ишлаб чиқаришининг йўлга



Абдусайд КҶЧИМОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

қўйилгани, Тўдақўл сув омбори ҳудудида “Golden lake fish” масъулияти чекланган жамияти тузилгани, “Янги Аср” фермер ҳўжалиги томонидан лойиҳа қиймати 60 миллиард сўмлик насли қорамончилик ҳамда сутни қайта ишлаш цехи ишга туширилгани; Нурота ва Томди туманларида “Ёшлар меҳнат гузарлари” қурилиб фойдаланишга топширилгани; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қарорига мувофиқ, Фозгон шаҳри ташкил этилгани ҳам Президент ташрифларининг ширин мевалари ҳисобланади.

Энди 2021-2022 йиллардаги ташрифлар ҳақида. 2021 йилги ташрифдан кейин Қармана туманида мамлакатимиздаги илк қуёш фотозлектр станцияси ишлай бошлади. “Навоийазот” акциядорлик жамиятида азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига старт берилди. Навоий кон-металлургия комбинатининг техноген қиндиқларини қайта ишлаш корхонаси фойдаланишга топширилди.

2022 йилги ташрифдан сўнг “Zarafshon Oyna” МЧЖда қиймати 250 миллион долларлик, “Zarafshon industrial technology” қўшма корхонасида 60 миллион долларлик, “JVContinaz” МЧЖ ҚҚда 62,5 миллион долларлик, “Chemistry International” МЧЖ корхонаси томонидан қиймати 16 миллион долларлик, “Uzbekistan Hydrogen Peroxide” МЧЖ ҚҚда 27 миллион долларлик лойиҳалар амалга татбиқ этилди.

Навоий шаҳридаги 3 та қорраҳада тарихда биринчи марта сўний интелект технологияларига асосланган “Ақли қорраҳа” тизими жорий қилинди.

Янги Навоий шаҳрини қуриш учун 1 минг 100 гектар ер Қармана туманидан Навоий шаҳрига ўтказилди.

Мамлакат раҳбарининг бултурги ташрифи доирасида эса шаҳарнинг Фаровон маҳалласида “GRATIS BUILDINGS” МЧЖ томонидан конгресс-холл, 27 қаватли меҳмонхона, бизнес маркази, кўп қаватли тураржой комплекси қурилишига старт берилди.

Янги Навоий шаҳрида ишбилармонлик маркази ва “Янги Ўзбекистон” боғининг қурилиши учун 50 миллион доллар ҳамда 100 миллиард сўм маблаг ажратилди.

Булардан ташқари, 3 миллиард 600 миллион долларлик 15 та лойиҳа бўйича Қонимех туманида ёнғувчи сланецларни қазиб олиш ва қайта ишлашнинг биринчи босқичи, Қармана туманида 300 мегаватт қуёш фотозлектр станцияси ва 75 мегаватт электр энергиясини саклаш тизими, Навоий шаҳрида техник газ ишлаб чиқариш, Фозгон шаҳрида мармар ва Зарафшон шаҳрида гранит тошларни қайта ишлаш, Учқудўк туманида каолин қазиб олиш ва бойитиш, Хатирчин туманида балиқ озуқаси тайёрлаш корхоналари қурилишлари бошлаб юборилди.

Энди сўнгги йилларда аҳолини электр, газ, ичимлик суви, уй-жой билан таъминлаш йўналишига доир мисолларга мурожаат қиламиз:

2017 — 2024 йилларда халқни табиий газ билан таъминлаш 61,5 фоизга, тоза ичимлик сувиغا эҳтиёжини қоплаш 85,4 фоизга етди. 2391 километр автомобиль йўллари, 4695 километр электр узатиш тармоқлари, 155 километр табиий газ, 4575 километр ирригация ва мелиорация тармоқларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Етти йилда 19640 хонадонли 1,2 миллион квадрат метр уй-жой қурилди.

Инвестициялар ва саноатни ривожлантириш ҳисобига 3,4 минг, хизматлар ва тадбиркорлиқни ривожлантириш орқали 40,8 минг, қишлоқ ҳўжалиғи йўналишида 74,1 минг, қурилиш соҳасида 5 минг нафар фуқаро иш билан таъминлашни туғайли бир йилда ишсизлик даражаси 6,3 фоиздан 1,9 фоизга туширилди.

Бундай мухташам рақамларнинг ҳамма-ҳаммасида Юртбошимизнинг меҳнати, меҳри мужассам. Улар давлатимиз раҳбарининг олис-олисларни кўзлаган адолатли сиёсатининг илк ҳосилларидир.

Режалар эса...

5

Режалар оламига ўтишдан аввал Навоийдаги яна бир мўъжиза — “Тош ўрмон” ҳақида икки оғиз сўз.

У Учқудўқнинг Мингбулоқ қишлоғидан ўттиз чакиримча наридаги Жарақудўк дарасида жойлашган. Илмий фаразларга кўра бундан тахминан 90 — 95 миллион йиллар аввал чинорлар қирққулоқлар тошга айланиши натижасида “Тош ўрмон” юзага келган.

Дунёнинг баъзи мамлакатларида ҳам

ноёб тошларнинг сеҳрли олами ни ўзида мужассам этган “тош ўрмон”лар мавжуд. Хитойнинг Юань музофотидаги, Россиянинг Лена дарёси бўйидаги, Болгариянинг Варна ва София шаҳарлари оралиғидаги, АҚШнинг Аризон қўли ва Мадагаскарнинг Цинги-де-Бемараха миллий боғидаги “тош ўрмон”лар шулар жумласидандир.

Қизилқум “Тош ўрмон”ининг бошқаларга ўхшамайдиган жиҳати шундаки, бу манзилда тош қотган чиганоқлар, ақула тишлари ва суяклар, дарахт танаси ва меваларидан тортиб, ўрдақбурчун динозаврининг тошга айланган болдир суякларигача учрайди. Буларнинг барчаси қачонлардир Қизилқум ўрнида улкан уммон бўлганидан далолат беради.

“Тош ўрмон”нинг шаклланишига оид қуйидаги фаразлар бор: ўша даврда дарахтлар ва сув остида ўсадиган паст буталар дарё бўйларида жойлашган. Атрофдаги қўмлар сув билан оқиб келиши натижасида аста-секинлик билан дарахт атрофларига йиғилиб, тошга айлана бошлади. Натижада ўсимликлар қуриydi. Бутунлай қуриб битган дарахтлар ўрнида бўшлиқ пайдо бўлади ҳамда бу бўшлиқ қўм ва чўқиндилар билан қопланади. Миллион йиллар давомида бу чўқиндилар тошга айланади.

“Хар ишининг ўз чамаси, ҳар дарёнинг ўз кемаси бор”, дейдилар. Йўл билмаган манзилга етолмаганидек, узоқни чамалаб, режасиз сафарга чиққан кема ҳам тўфнолар гирдобига тушиб қолиши мумкин.

Навоийликларнинг 2025 — 2030 йилларга мўлжалланган режалари эса аниқ ва қуйма.

Бир қарашда осмон мўъжизаларини кўриб бўлмаганидек, бир мақолада ҳам катта вилоят кўзлаётган манзилларни қамраб олиш мумкин эмас. Шу боис бепоён режаларнинг айримларини тилга оламиз. Энг аввало, ноёб хазиналар ҳақида. 2030 йилгача олтин ишлаб чиқариш — 1,5 баробар, қумуш — 3 карра, уран — 3 марта, мис — 3,5 баробар ошади. Кон-металлургия комбинатида 20 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилади.

1 триллион сўмдан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 16 тага етади.

Зарафшон ва Фозгон шаҳарлари ҳамда Учқудўк туманидаги 3 та иختисослаштирилган саноат зонасида 57 та лойиҳа ишга туширилади.

Кимё саноатида 525 миллион долларлик 62 та лойиҳа амалга оширилади.

<

ДУНЁГА ЮЗ ОЧГАН «ВАТАН»

«Ватан» журнали инглиз тилида ҳам чоп этила бошланди



Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси муассислигида ўтган йилдан бошлаб «Ватан» ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий журнали нашр қилинаётганидан кўпчиликнинг хабари бор. Эндигина тўртта сони дунё юзини кўрганига қарамай, журнал бир-биридан қизикарли ва долзарб мавзулардаги материаллари, нафис дизайни билан ўқувчилар эътиборини қозониб, оммавий ахборот воситалари орасида ўз ўрнини топишга улгурди.

Тақдимот

Шу йилнинг 19 март кунги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Ватан» журналининг инглиз тилидаги махсус сони тақдими ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси вакиллари, фахрий дипломатлар, видеоконференцалоқа орқали Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик корпуси ва ваколатхоналари раҳбарлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, шунингдек, илмий ва академик муассасалар, халқаро ташкилотлар, етакчи хорижий ва маҳаллий ОАВ вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари, талабалар қатнашди.

Тадбирни Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори Содик Сафоев очар экан, ушбу нашрнинг аҳамиятини таъкидлаб, журнал ички ва ташқи сиёсат, иқтисодиёт, маданият, санъат, тарих соҳаларидаги муҳим масалаларни муҳокама ва таҳлил қилиш минбарига айланганини қайд этди.

Журналнинг инглиз тилида чиқарилиши эса янги Ўзбекистон қиёфасини илмий-академик форматда халқаро ҳамжамиятга намойиш қилишда муҳим воситага айлانмоқда.

— Хўш, қандай эҳтиёж сабаб журнални инглиз тилида ҳам чоп этиш йўлга қўйилди? Бу Президентимизнинг жаҳон медиа оламида ўзбек миллий контенти янада ривожлантириш борасида берган топшириқлари ижроси доирасида амалга оширилмоқда, — деди Олий Мажлис Сенати аъзоси, журнал бош муҳаррири Хусан Эрматов. — Журналимиз олимлар, сиёсатчилар, илмий тадқиқотчилар, таҳлилчилар учун ўз гоё ва қарашларини ифода қилишда яқин кўмакчи ўлароқ майдонга чиқди. Нашр барча учун очик.

Тадбир иштирокчилари журналнинг инглиз тилидаги махсус сонининг видео тақдими билан танишди.

Журнал саҳифаларидан Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, минтақавий ҳамкорлиги ва халқаро майдондаги ўрни, тарихи, бугуни ва эртаси борасида кенг ва чуқур мушоҳада билан ёзилган мақолалар ўрин олган. Инглиз тилидаги махсус сон саҳифалари озарбайжон шоири Акиф Бағирнинг «Ўзбек келаё-

тир...» номли тантанавор шеъри билан бошланади.

Саҳифаларда Германиядаги нуфузли «Berliner Zeitung» нашрининг сиёсий шарҳловчиси, Геосиёсат бўлими раҳбари Томас Фасбендернинг сиёсатшунос Кудратилла Рафиқов билан суҳбати чоп этилган. «Ўзбекистондан «Янги Ўзбекистон»-га: йўқотилган қалбни излаб...» сарлавхали ушбу суҳбатда мамлакатимизнинг яқин ўтмиши, бугуни, келажаги ва минтақадаги сиёсий эврилишлар ҳақида сўз боради. Бу жараёнда Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси, халқпарвар ва миллатпарвар сиёсати, шунингдек, минтақа миқёсидаги ташаббуслари ва уларнинг натижалари таҳлил қилинган.

«Эксклюзив интервью» рукини остида берилган Кавказ муслмонлари идораси раиси, шайхул-ислом Оллоҳшўкур Пошхонова-нинг журнал муҳбирига берган интервьюси ҳам эътиборли. «Ўзбекистон — доимо юрагимда!» сарлавхали ушбу материалда Кавказ муслмонлари идораси раисининг юртимизга меҳр-муҳаббати, Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилётган ҳаётбахш ислохотлар, мамлакатимиз етакчисининг жаҳон минбарларида илгари суралётган ташаббус ва ғоялари ҳақидаги фикрлари, дил сўзлари баён қилинган.

«Таҳлил ва таққос» рукини остида Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматовнинг «Мамлакатимиз IT-HUBга айланишда» сарлавхали таҳлилий мақоласи ўрин олган. Унда кейинги йилларда ахборот-коммуникация тизими мамлакатимиз иқтисодиётининг драйверига айланиши, соҳани ривожлантириш йўлидаги қадамлар дадиллашгани очиб берилган.

Журналда миллий ўзлигини англаш, Ўзбекистоннинг глобал миқёсдаги макёбини кўтариш, юртдошларимизда тарихий меросга муносабатни янгилаш каби долзарб мавзулар қамраб олинган. Мазкур нашр Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати ландшафтини тушунишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Тақдимотда меҳмонларга «Ватан» журналининг махсус сони тақдим этилди.

Тадбир Наврўз сайлига ула-ниб кетди.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

КИМЁ САНОАТИ МАМЛАКАТДА ЕТАКЧИ СОҲАГА АЙЛАНАДИ

Юртимизда кимё саноати соҳасини тубдан янгилашга қаратилган изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Бундан кўзланган мақсад эскирган кимёвий маҳсулотлар, ўғитлар ишлаб чиқариш ва тарқатиш тизимини модернизация қилиш ҳамда сармояларни рағбатлантиришдир. Рақобатбардош саноатни яратиш, малакали кадрлар бандлигини таъминлаш ва саноатда углерод улушини камайтириш ҳам устувор аҳамиятга эга.

Нуктаи назар

Бундан етти йил олдин кимё саноатида минерал ўғитларни сотишнинг бозор механизмлари жорий этилиб, уларни Республика товар-хомашё биржаси орқали истеъмолчиларга юбориш йўлга қўйилган эди. Натижада дебитор қарздорлик-ка барҳам берилди. Маҳсулотлар юртимизнинг ҳар қандай ҳудудига темир йўл орқали етказиб беришнинг ягона тарифи амалга киритилди. 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори бу каби муаммоларни бартараф қилишда катта аҳамият касб этди.

Ҳужжатда, аввало, углеводород хомашёсини ва минерал ресурслар-ни чуқур қайта ишлаш асосида иқтисодиёт тармоқларида ва жаҳон бозорида талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматли кимё маҳсулот-лари турларини кенгайтиришга, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва фаолият юри-таётганларини модернизация қилишга эътибор қаратилди.

Шу асосда «Қўнғирот сода заводи» МЧКнинг қалъидиланган сода ишлаб чиқариш қуввати 200 минг тоннага етказилган бўлса, Тошкент вилоятида Хитойнинг «Poly Technologies» компанияси билан ҳамкорликда қишлоқ ҳўхўлиги тех-никалари ва автомобиллар учун ши-налар, конвейер ленталари тайёр-лаш лойиҳаси ишга туширилди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида иш бош-ланган азот кислотаси ҳамда аммиак ва қарбамид корхоналари соҳа ри-вожига қўшимча сўрьат беряпти. Умумий қиймати 1,5 млрд. доллар бўлган мазкур лойиҳалар жамиятда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини уч баробар ошириш имконини бер-ди. Тайёрланаётган маҳсулотлар-нинг сифати эса халқаро талабга тўла мос келади. Бу, ўз навбатида, уларнинг жаҳон бозорида харидор-гир ва рақобатбардошлигига ишонч ёрлиги бўлиб хизмат қилапти.

Аммо соҳада фақат эришилган ютуқлар билан чекланиб бўлмапти. Президентимиз шу йил 6 февраль кунги кимё саноатида 2025 йилги режалар муҳокамаси юзасидан ўтказган йилгишда сўнгги йиллар-да бу тармоқда сезиларли ўзгариш, янги технология қанжирларини яратиш учун инвестицияларга кенг йўл очилган бўлса-да, йирик кимё заводлари фаолияти ҳали замон

талаблари даражасида эмаслигини таъкидлади. Ишга солинмаган им-ониятлар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар аниқ кўрсатиб ўтилди.

Масалан, илгор технологиялар-ни жорий этишни жадаллаштириб, кимё корхоналарида қўшилган қий-матни ҳозиргидан бир неча баро-бар ошириш мумкин. Давлат раҳбари бу борадаги камчиликлар-ни қайд этиб, юқори технологияли инвестиция лойиҳаларини қарраси-га қўнайитириш вазифасини қўйди. Тармоқдаги ҳар бир корхонани ра-қамлаштириш, қувватлардан оқило-на фойдаланиш, энергия самара-дорлигини ошириш ва таннархини камайтириш бўйича аниқ вазифа-лар белгиланди. Хусусан, энергия-ни тежаш ва маҳаллийлаштириш орқали таннархни 6 фоизгача ка-майтириш мумкинлиги айтилди.

Маҳсулот таннархини пасайти-ришга ўта жиддий эътибор қари-таётгани беҳиз эмас. Чўнки унда хомашё, энергия сарфи, иш ҳўки, иқтимоий сўгурта, амортизация аж-ратмалари каби сарф-харажатлар-дан тортиб, маҳсулотни ўраш, жой-лаш, етказиб бериш, сотиш билан боғлиқ бошқа чиқимлар ўз ифода-сини топади. Таннарх қанча паст, сифат юқори бўлса, маҳсулот шун-ча харидоргир бўлади. Кимё сано-атида бундан 7-8 йил олдин маҳсу-лот ишлаб чиқариш нарҳида хара-жатлар улуши 99,7-100 фоизни таш-кил этган. Уларнинг 64 фоизи энер-гетика ресурсларига сарфланган. Ваҳоланки, ўша кезде хорижий корхоналарда бу кўрсаткич 25 — 30 фоиз атрофида бўлган. Агар Ўзбекистонда бир тонна аммиак ишлаб чиқаришга 1450 куб метр та-биий газ ёқилса, замонавий усу-налардан фойдаланиладиган чет эл компанияларида мазкур чиқдор 902 куб метрдан ошмапти. Азот ишлаб чиқариш таннарҳида энер-гия ресурсларининг улуши 70 фо-издан ҳам ошиб кетган ва унинг сарфи замонавий компанияларда-гига нисбатан 1,6 марта ортқ бўлган. Ҳисоб-китоблар тежамкор қувватлар-нинг ишга туширилиши энергия сар-фини 2-2,5 баравар, аммиакнинг тан-нархини эса 1,8 баравар пасайти-риш мумкинлигини кўрсатди. Умуман, кимё саноатида энергия истеъмо-ли бир фоиз камайиши маҳсулот тан-нархини 0,6-0,8 фоиз пасайтириш имконини беради.

Айтиш жоизки, «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти мавҳуд кимё корхоналарини бирлаштирувчи яго-



на корпоратив тизим ҳисобланиб, бугунги кунда унинг таркибига 24 та ташкилот кирди. «Ўзкимёсаноат» АЖ илгари фақат минерал ўғит ишлаб чиқариш билан шўгул-ланиб келган бўлса, ҳозирги кунда тайёрланаётган бошқа турдаги кимё маҳсулотларининг тури 110 тадан ошди ҳамда жами ишлаб чиқариш ҳажмининг тўртдан бирини ташкил этмоқда. Кимё саноатини ривож-лантириш бўйича қабул қилинган стратегия амалга оширилиши на-тижасида 2030 йилда бошқа турда-ги кимё маҳсулотларининг улуши 55 фоизга етади.

Илгор ислохотлар ва технология-ларга инвестициялар киритиш ор-қали кимё саноати мамлакат иқти-содий ривожланишида каталитик роль ўйнаши мумкин. Шу мақсадда Ўзбекистон бу борада Хитой, Рос-сия, АҚШ, Жанубий Корея ва

Модернизация ишларининг би-ринчи босқичи доирасида аммоний-лашган суперфосфат, сувда тез эрувчан комплекс минерал ўғитлар, азот-фосфор-калийли (NPK) ми-нерал ўғитлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Завод қуввати йилга 75 минг тоннадан 450 минг тоннага етказилди. Хомашё маҳаллий кор-хоналардан олиб келинади. Маса-лан, фосфорит уни Қизилқумдан, сульфат кислотаси Олмаликдан, аммоний сульфат Чирчиқдан, аммиак «Фаргонаазот» ва «Навий-азот» АЖдан келтирилади. Бу мах-сулот таннарҳини барқарор сақлаш имконини бераптир.

Яна бир жиҳати, модернизация натижасида ишлаб чиқаришга сарфланадиган электр энергия ва табиий газ харажатларини 35 — 40 фоизга қисқартиришга эришил-ди. Бундан ташқари, атроф-муҳит-ни ифлослантирмаслик учун асосий ишлаб чиқариш цехларида тўрт босқичли тозалаш ускуналари ўрнатилди. Илгари бу фақат икки босқичли бўлган. Корхона йилга 30 млн. доллар маҳсулотни экспорт қилиш қувватига эга. Бугунги кунда МДҲ, Европа, Африка ва Осиёнинг 16 давлатига минерал ўғитлар экс-порт қилинмоқда. Корхона йирик кимё кластерига айланиб, нафақат иқтисодий, балки иқтимоий наму-на бўлиши керак. Шу маънода,

“Айтиш жоизки, «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти мавҳуд кимё корхоналарини бирлашти-рувчи ягона корпоратив тизим ҳисобланиб, бугунги кунда унинг таркибига 24 та ташкилот кирди. «Ўзкимёсаноат» АЖ илгари фақат минерал ўғит ишлаб чиқариш билан шўгулланиб келган бўлса, ҳозирги кунда тайёрланаётган бошқа турдаги кимё маҳсулотларининг тури 110 тадан ошди ҳамда жами ишлаб чиқариш ҳажмининг тўртдан бирини ташкил этмоқда. Кимё саноатини ривожланти-риш бўйича қабул қилинган стратегия амалга оширилиши натижасида 2030 йилда бошқа турда-ги кимё маҳсулотларининг улуши 55 фоизга етади.”

бошқа мамлакатлар билан шерик-лик орқали ушбу соҳани модерни-зациялашга астойдил бел болаган. Масалан, «Қўкон суперфосфат за-води» АЖ молиявий соғломлашти-риш ва диверсификация қилиш мақсадида 2019 йилда Сингапу-ринг «Indorama Holdings BV» компа-ниясига инвестиция мажбуриятла-ри билан сотилган эди. Унинг не-гизида «Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals» корхонаси очил-либ, 70 млн. доллар хорижий ин-вестиция жалб этилди ва ишлаб чиқариш технологиялари модерни-зация қилинди. Испания, АҚШ, Хи-тоий, Ҳиндистон, Туркия ва Россия давлатларининг етакчи компанияла-ридан замонавий ускуналар келти-риб ўрнатилди. Қўшимча 150 та иш ўрни яратилди.

корхона изчил ривожланмоқда ва кейинги босқичлар бўйича ҳам иш олиб боришмоқда.

Иккинчи босқич доирасида 50 млн. доллар инвестиция ўзлаштирилди. Швейцария, Герма-ния, Ҳиндистон, Хитой ва Италия-дан замонавий технологик ускуна-лар келтириб ўрнатилди. Ушбу босқичда йилга 24 млн. доллар-лик калий сульфат, сульфат кис-лотаси ва аммоний-хлорид ўғитлари ишлаб чиқарилади ва 120 та янги иш ўрни яратилди. Учинчи босқич ишлари 2025 — 2028 йилларда амалга оширилади. Унда моно ва диқальций фосфат, калий-нитрат, азот-фосфор-калийли комплекс ми-нерал ўғит, калийли хлорид, моно аммоний фосфат, моно калий фос-фат ишлаб чиқариш йўлга қўйила-

«КУН ҲАМАЛГА КИРДИ ЭРСА КЕЛДИ ОЛАМ НАВРЎЗИ»

Наврўзнинг умумхалқ байрами сифатида қадимдан то шу кунгача нишонланиб келинаётганида шоир, адиб, мутафаккирларнинг ҳам хизмати бекиёс. Мазкур айёмнинг таърифи ва тарихи ҳақида олимлар ўз илмий асарларида муҳим маълумотлар ёзиб қолдирган, шоир адиблар эса лирик шеърларида айём шукўҳи ва моҳиятини тараннум этган.

Тадқиқ

Улуғ аллома Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгориқлар» асарида Наврўзнинг бебаҳо ёдгориқ экани ҳақида муҳим маълумотлар беради. Дунёга машҳур олим ва шоир Умар Ҳайём эса махсус «Наврўзнома» асарини битган.

Аллома ва шоир Фирдавсий «Шоҳнома»да бу қутлўғ айёмни «Дилда на ғам қолди, на адоват-кин», «Бу бахтиёр кунни ўшандан буён, шоҳлардан ёдгор деб билурлар ҳамон», деб талқин қилади.

Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асарида баҳорни, қўлдам-даги ўғончиш онларини тавсифлаб, «Баҳор қасидаси»ни ёзган ва маълум маънода Наврўзга ҳам ишоралар қилган.

Рағбузий ҳам адиб, ҳам қози сифатида халқ ҳаётини яхши билган. Наврўзнинг халқ ҳаёти ҳамда миллий колоритида тугган ўрнини юксак баҳолаган. Туркий насрининг энг қадимги намунаси бўлган «Қиссаси Рағбузий» асарида баҳорни тасвирлар экан, тўлқинли Наврўз ҳақида ўзбек тилида илк ғазални битади. Асарда қўхна Хоразмининг баҳори, Наврўзи юксак эстетик эҳтирос билан қуйланади:

Кун ҳамагача кирди эрса келди олам Наврўзи,
Кечди баҳман замҳарир қши қолмади қори бузи.
Кун келди минг кўрқи ортиб тирилур ўлмиш жаҳон,
Тонг бадизлаб нақши бирла безанур бу ер юзи.



Буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоий «Тари-хи мулуки Аҷам» асарида ёзишча, Эроннинг пеш-додийлар сулоласига мансуб учинчи ҳукмдори Жамшид Истаҳр шаҳрида шаҳарсозлик маданияти асосида Чилминора номли бир улуғ бино қўрдиради. Ушбу қасрнинг очилиши янги кун — Хутнинг Ҳамалга ўтишига тўғри келган ва бу ҳолатни ҳукмдор Наврўз деб атаган.

Алишер Навоий ўз асарларида қутлўғ айём қадрият-лари маъноси ва аҳамиятига бир неча бор мурожаат қилган. Масалан, «Бу дамки эсиб насими Наврўз, Гул атрини қилди мажлисафрўз», дейди бир шеърда. Яна берида «Улуғ чехроа олам афрўзидин, Билур йил кели-лишини Наврўзидин», деб ёзаркан, халқ даҳоси яратган «Йилнинг яхши келиши баҳордан маълум» мақолини мис-ра қатига маҳорат билан жойлайди.

Буюк шоир давлат арбоби сифатида халқ ҳаётида Наврўзнинг ҳам, адолатнинг ҳам қиймати баланд экани-ни чуқур ҳис қилган ҳолда «Садди Искандарий»да «Адолат аро фасли Наврўздек», дея бу икки тушунчани ўзаро менгзади. Яъни биринчидан — адолат барчага баробар бўлгани каби Наврўз байрамини ҳукмдор ҳам, халқ ҳам биргаликда нишонлайди, иккинчидан, мамла-катнинг обод ва фаровон бўлишида адолат ҳам, Наврўз қадриятлари ҳам муҳим ўрин тутайди.

Улуғ шоир қирқ йиллик устози Паҳлавон Мухаммад-нинг мазмунли, таъсирилу сўхбатларини соғиниб, унга баҳо бераркан, Наврўзнинг бекиёс моҳиятига ташбёх

этади: «Паҳлавоннинг сўхбати Наврўз байрамича эрди». Бундай эътироф бошқа манбаларда деярли учрамай-ди. Шунингдек, улуғ шоир деҳқонларга берган таъри-фида ҳам ушбу байрамга ишоралар қилади. Чўнки бу кундан бошлаб деҳқонлар далага уруғ сочган. Алишер Навоий деҳқоннинг ерга қадаган ҳар бир уруғи халққа риёз-насиба бўлиб қайтишини айтиб, уни фариштадан устун қўйди. «Туғу кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди чу Наврўз» тасвирида эса даҳо шоир Наврўз билан боғ-лиқ ҳодисалардан бири — 21 мартда кун ва туғнинг тенг келишига уруғ беради.

Мўмин-муслмонлар муборак Рамазон ойида бўладиган Қадр кечасига фазилатли ва хосиятли тўн сифатида эътибор қаратади. Буюк аҳдодимиз ушбу кечанинг улғу-лигига қиёсан Наврўзнинг ҳам аҳамиятини баландларга кўтарайди: «Зулфи рўхсор ила комимга мени етқурсанг, Ҳар туғинг Қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз».

Улуғ шўх ва шоир Мирзо Бобур «Бобурнома»да баҳор фаслида уюштирган сайиллари ва чиққан сайру саёхат-лари ҳақида хабарларни ёзган. 1503-1504 йиллар воқеа-лари баёнида у Йил билан Наврўз байрамнинг кетма-кет келгани ҳақида хабар беради ва бу хайрли, хосият-ли ҳолатдан илҳомланиб шундай ёзади:

Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шод байрамлар,
Манга юзу қошиндиган айру байрам ойида ғамлар.

Юзи Наврўзи васли Йиёшин, Бобур, ғанимат тут —
Ки, мундин яхши бўлмас, бўлса юз Наврўзу байрамлар.
«Бобурнома»да келтирилган мазкур байтлар кейин-чалик етти байтлик ғазалга айлантирилган ва шоир де-вонидан ҳам ўрин олган.

Шоир, адиб, мутафаккирларнинг маълумот ва лирик тас-вирларида улар баҳорни, Наврўзни интиқилик билан қутши-гани, кўтарикни руҳда нишонлагани, қадрлагани аёнлаша-ди. Бу тасвирларда маълум маънода халқ ҳаёти, уларнинг оруз-истаклари акс этганини инобатга олсак, иқдор зо-лиларимиз ҳамиша ўз умидлари рўёбини шу эл-юрт тақди-ри билан боғлагани яна бир бор намоён бўлади.

Буроёи РАҲАБОВА,
ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий ходими, филология фанлари номзоди.

Чирчиқ шаҳри апрель ойида оғир атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионатида мезбонлик қилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 15 120 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғош бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган қўлаёзмалар тақриб қилинмайди ва малаффа қайтарилмайди.

Газетанинг малафб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳиждатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масула.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-ўй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.

Мусаҳҳиҳ — С. Исламов.

«Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.45 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6